*● Бу ҳақда вилоят Кенгаши сессиясида гапирилди*

# Ғалла мустақиллиги учун кураш: ҲИССАМИЗ САЛМОҚЛИ БЎЛСИН!

***РЕСПУБЛИКАМИЗДА** ғалла мустақиллиги учун кураш бошланиб кетди. Қисқа вақт ичида бу соҳада ижобий натижалар қўлга киритилди. Хўш бу ғоят муҳим ишда пойтахт вилояти деҳқонлари қўшадиган ҳисса қандай бўлмоқда? Улар эзгу мақсад йўлида 2 йил давомида баъзи бир ишларни амалга оширдилар. Афсуски, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида Президентимиз И.А.Каримов сўзлаган нутқида таъкидланганидек, ғаллачиликда ҳам ўтган мавсумда дуруст натижаларга эришилмади. Ҳосилдорлик 3-4 центнерга камайиб кетди. Буни ҳеч қандай сабаблар билан оқлаб бўлмайди, албатта. Вилоятимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, ғаллакорлар бу ҳаққоний танқиддан, оқилона хулоса чиқармоқдалар? Республикамизда ғалла мустақиллигини таъминлашда пойтахт вилоят қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ўрни, улар қўшадиган ҳисса бундан кейин қандай бўлиши керак? Маълумки бу йил ўтган йиллардагига қараганда анча кўп, яъни 115 минг гектар майдонга дон экилди. Ана шу майдонларда ғалладан мўл, юқори сифатли ҳосил олиш учун нималарга эътибор бериш керак? Қандай агротехник тадбирларни амалга ошириш, қандай долзарб масалалар, муаммоларни ҳал этиш зарур?*

*Мазкур саҳифада ана шу ҳақда олимлар, мутахассислар, тажрибакор-деҳқонларнинг фикру-мулоҳазалари билан танишасиз.*

## СУҒОРИЛАДИГАН ЕР ҚАДРИ

МУСТАҚИЛЛИК шарофати туфайли юртимизда қишлоқ хўжалигини юритишда ҳам туб инқилобий ўзгаришлар юз бераётганлигидан мамнунмиз. Айниқса, ғалла мустақиллиги учун бошланган кураш биз олимлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Гап шундаки, ғалла етиштиришда қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Масалан, кузги ғалла экиш учун юқори ҳосил берадиган навлар етишмайди. Шу пайтгача лалмикор ерларга экиб келинаётган буғдой навлари эса, ўша шароитга мослашган. Суғориладиган ерларда яхши ҳосил бермайди. Бизда эса, эндиликда катта-катта суғориладиган майдонлар бошоқли дон экинлари учун ажратилмоқда. Бундай ерларда юқори ҳосил берадиган, совуққа, табиий офатларга, ҳар хил касалликларга чидамли кузги буғдой навлари экилиши керак.

Дорилфунунимиз олимлари бошқа илмгоҳлар, илмий ташкилотлар, марказлар билан алоқада бу борадаги изланишларни аллақачоноқ бошлаб юборганлар. Университетда кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган заҳматкаш олимлар-ўсимликшунослик кафедраси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Зуфар Умаров, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Ҳалима Отабоева, қишлоқ хўжалик фанлари номзодлари Турғун Бекметов ва мазкур сатрлар муаллифи университет тажриба участкасида биргаликда олиб борган тажрибаларимиз натижасида кузги буғдойнинг бир қатор навлари синаб кўрилиб, айрим яхши кўрсаткичларга, ютуқларга эришдик. Бугун ана шулардан келиб чиқиб, ғаллакор деҳқонларимизга айрим маслаҳатларимиз, тавсияларимизни бермоқчимиз.

Маълумки, суғориладиган ерлар лалми ерлардан фарқ қилишини деҳқонларимиз яхши биладилар. Ғалла мустақиллигини эса, суғориладиган ерларда экин экмасдан ҳал қилиб бўлмайди. Лекин, бунинг учун ернинг қадрига етиш, юқори агротехника қоидалари қўлланиб, ерни экишга тайёрлаш, экиш муддатларига, уруғлиқни сарфлаш нормасига, ўғитлаш ва суғориш ишларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Энг муҳими ҳар бир хўжаликда бу тадбирлар экиладиган навнинг хусусиятлари, тупроқ, иқлим шароитига қараб энг қулай муддатда ўтказилиши керак.

Жумҳуриятимизда, хусусан Тошкент вилоятида буғдойнинг «Сангзор-4», «Сангзор-6», «Сангзор-8», «Интенсив», «Бахт», «Ёнбош» навлари экилмоқда. Ана шу навлар агар рисоладагидек парвариш қилинса, уларнинг ҳар гектаридан 50—60 центнергача ҳосил олиш мукин. Биз тажриба участкасида ана шунга етказиб ҳосил олдик.

Лекин, бунга эришиш ҳар бир

**СЎЗ — ОЛИМЛАРГА**

деҳқондан қаттиқ меҳнат қилишни талаб этади. Биринчи қўйиладиган ва қўйилаётган талаб шуки, кузги буғдойни октябрь ойининг узоғи билан йигирмаларида экиб бўлиш керак.

Ҳосилдорликни оширишда поянинг бақувват бўлиши муҳим роль ўйнайди. Поянинг бақувватлиги эса, экиш муддатига, уруғнинг қандай чуқурликка тушганлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунда поялар бақувват бўлиб ўсади. Поянинг еростки бўғинларида қўшимча поялар, илдизлар пайдо бўлади.

Бу илмий тилда тўпланиш даври деб аталади. Ўсимликда ана шу тўпланиш даври жараёни яхши кечса, бундай майдонлардаги ғалла шу тўпланиш фазасида қишлайди ва у совуққа чидамли бўлади. Кузги буғдой етиштиришда алмашлаб экишнинг ўрни алоҳидадир. Шунинг учун ҳам кузги буғдойни алмашлаб экишни тўғри жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Кузги буғдой сувли ерларда эртаги экинлардан бўшаган ерларга, келаси йил такрорий экин экишга мўлжалланган майдонларга экилади. Лалми ерларнинг текислик ва дўнг-текислик зоналарида эса кузги буғдойни тоза шудгорга, ундан юқорироқ зоналарда тоза шудгордан ташқари банд шудгорга экиш фойдали ҳисобланади.

Кузги буғдой унумдор ерда яхши ўсади. У азотга жуда талабчан бўлади. У най ўраш ва бошоқланиш даврида азотни, ўсишининг дастлабки тўрт-беш ҳафтасида фосфорни ва ўсиш даврининг бошидан гуллагунга қадар калийни кўп талаб қилади. Фосфорли ва калийли ўғитлар кузги буғдойнинг қишга чидамлилигини оширади. Доннинг етилишини тезлаштиради. Поянинг ётиб қолишдан ва турли замбуруғ касалликларига чалинишдан сақлайди. Деҳқонларимиз ҳар гектарига қанчадан ўғит солинишини яхши биладилар. Биз яна шуни эслатиб ўтмоқчимизки, экиш даврида ўғит берилмаган майдонларда азот, фосфор ва калий қисқа муддат ичида экишдан кейин ёки майса ҳосил қилганда, умуман ўғитлар февраль ойидан кечиктирилмасдан берилиши керак.

Суғориладиган ерларнинг унумдорлиги юқори ва сув билан таъминланганлиги сабабли ўсимлик қалинлигини ошириш ҳисобига юқори ҳосил олинади. Тажрибалар натижасига суяниб шуни қайд қилиш мумкинки, кузги буғдой экиш меъёри, яъни бир гектарга сарф қилинадиган уруғ миқдори иқлим, тупроқ шароитлари, уруғнинг катта-кичиклигига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Умуман кузги буғдой экиш меъёри гектарига 4-5 миллион дона ҳисобланади.

Биз юқорида ўсимликда «тўпланиш» жараёнининг муҳимлигини айтган эдик: кузги-қишки совуқлар пояларга таъсир қилган вақтда ҳам тўпланиш бўғинига таъсир қилмаса, ўсимлик нобуд бўлмайди. Шунинг учун ҳам кузги буғдой экиш вақтида уруғлик 6-7 сантиметр чуқурликка, лалми ерларда у эрта экилганда эса 6-8 сантиметр чуқурликка кўмилади.

Дон экинлари ҳосилини йиғиб-териб олиш ва янчиш ялпи ҳосилни оширишнинг энг сўнгги ва энг масъулиятли даври ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу ишга ҳар бир хўжаликда ҳозирдан бошлаб тайёргарлик кўриш зарур. Ҳосилни олдин ўриб, кейин йиғиб олиш усулининг афзаллиги шундаки, у тўғридан-тўғри ўриб-янчишга қараганда ўримни 5-6 кун эрта бошлашга имкон беради. Нобудгарчилик кескин камаяди. Ҳосил тўла етилганда ўрим-йиғим кечикиб қолса, ёки ўсимлик паст бўйли, сийрак бўлган майдонларда ҳосилни бир йўла комбайнларда йиғиб олган маъқул.

**Абдуҳаким АЛИМОВ,**
**Тошкент қишлоқ хўжалик университети ўсимликшунослик кафедраси доценти, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.**



***◆ Бу йил вилоятимизда 115 минг гектар майдонга ғалла экилди.***

***◆ Шундан салкам 90 минг гектарини суғориладиган ерлар ташкил этади.***

***◆ Ҳар гектаридан камида 40 центнердан бошоқли дон ҳосили олиш — асосий вазифадир.***

***◆ Бунинг учун олимлар, мутахассислар, тажрибакорлар маслаҳатига, тавсияларига тўла амал қилайлик.***

## ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛСИН ДЕСАК...

ДОНСИЗ, ғалласиз ҳаётимизни, ризқ-рўзимизни, кундалик туриш-турмушимизни тасаввур этиб бўлмайди. Зеро дон биз учун фақатгина нонгина эмас, балки чорва озуқаси, гўшт, сут, жун, қолаверса қурилиш хом ашёси ҳамдир.

1995 йил республикамиз ғаллачилигида ўзига хос муҳим ўрин эгаллайди. Халқимизни тўлиқ таъминлаш учун етадиган миқдорда, яъни 3 миллион 800 минг тоннага яқин ғалла етиштириш бош вазифа қилиб қўйилди. Ана шу мақсадлар учун, лалми ерлардан ташқари 1 миллион гектарга яқин суғориладиган ер майдонлари ажратилди. Ҳисоб-китобларга қараганда, агар шунча суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 35-40 центнердан ғалла олинса, кўзланган мақсадга тўла эришиш мумкин.

«Республика бўйича ўртача 40 центнердан ғалла олиш қўлимиздан келадиган вазифа, — деди Президентимиз ўз нутқларидан бирида. — Ахир, қачонгача олтинимиз, пахтамиз эвазига четдан ғалла олиб келамиз. Токи, ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча».

Юртбошимизнинг бу гаплари биз ғаллакорлар учун бажарилиши зарур бўлган дастуриламалдир. Биз ҳозир ана шу тавсиялар асосида иш юритяпмиз. 1995 йил мўл дон ҳосилини кўзлаб, 1994 йилнинг кузида 115 минг гектар ерга дон сепилди. Шундан 88 минг гектари сувли ва 27 минг гектари лалмикор ерлардир.

**МУТАҲАССИС МИНБАРИ**

Мана шу кунларда биз ғаллакорлар ҳосил баракаси ҳақида бош қотиришимиз, ўтган йилда йўл қўйилган хатолар ва камчиликларга ўрин қолдирмаслик чора-тадбирларини кўришимиз зарур.

Ана шундай вазифалардан бири — ҳосилдорликни ошириш масаласидир. Тўғрисини айтганда, вилоятимизда ғалла ҳосилдорлиги анча паст.

Таҳлиллар, бунинг биринчи сабаби ғаллачиликка ихтисослашган кадрларнинг етишмаслигидан эканлигини кўрсатди. Вилоятимизда суғориладиган майдонларда ғалла етиштириш агротехникасини пухта ўзлаштириб олган мутахассислар кам. Шу туфайли вақтни ўтказмай, тезда кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш, бу соҳа мутахассислари, хўжалик раҳбарлари, бригадалар ва бўлим бошлиқларини ўқитиш, илғор тажриба мактаби ишини жонлантириб, илғорлар тажрибаси асосида уларнинг малакасини ошириш ҳақида астойдил қайғуришимиз керак.

Шу билан бирга туманлар ва хўжаликларда ғаллачилик билан шуғулланувчи раҳбарлар, мутахассислар масъулиятини ошириш лозим. Экинлар парвариши, техникани созлаш, кадрларни ўқитиш билан боғлиқ барча ишлар устидан доимий назорат олиб боришни тартибга солиш керак. Бунинг, менимча, жуда катта нафи бор. Чунки, ҳали ҳам жойларда ғаллачиликка иккинчи, учинчи даражали масала, деб қараш одатлари барҳам топмаган.

Ғаллакор меҳнатини улар жуда жўн, деб тушунишади. Аслида эса бундай эмас. У ҳам бошқа соҳа кишилари каби ўз даласининг эгаси, у ҳам ўз ерида ўн икки ой меҳнат қилади, захмат чекади. Зотан, ғаллакор меҳнати қадрланмаган жойда, табиийки, ғаллазорлар парваришдан қолади, ўғит кўрмайди, вақтида сув ичмайди. Оқибатда мўлжалдаги ҳосил олинмайди. Ернинг умри бесамара ўтади.

Техникани ўрим-йиғим мавсумига, барвақт ва бекаму-кўст ҳозирлаб қўйиш энг долзарб масалалардан биридир. Бугунги кунда вилоятимизда 585 та дон комбайни мавжуд. Шулардан 259 таси ғалла комбайнлари, ҳисоб-китоблар бўйича 1995 йилда жами ҳосилни ўриб йиғиб олиш учун 500 га яқин комбайн керак. Ҳозирги иқтисодий қийин шарт-шароитларга қарамай, янги мавсумга қадар бу муаммони ҳал этиш йўллари изланмоқда. Лекин, кўп нарса ўзимизга ҳам боғлиқ. Биринчи галда янги ўрим-йиғим мавсумига ҳозирликни мавжуд техникаларни «ҳали вақт эрта» демасдан, ҳозирдан бошлаб сифатли созлашга киришиш, айрим эҳтиёт қисмларни жойлардаги устахоналарда қайта таъмирлаш ва янгиларини тайёрлашни йўлга қўйиш зарур.

Ғалла етиштиришни кўпайтириш ва унинг ҳосилдорлигини оширишда уруғлик навлари ҳам катта аҳамиятга эга. Бу борада республика «Ғалла» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Оҳангарон тумани ҳудудида жойлашган илмий-ишлаб чиқариш-тажриба хўжалигида катта изланишлар олиб борилмоқда. Масалан, ҳозирги кунда вилоятимизнинг суғориладиган ғалла майдонларида буғдойнинг ҳосилдор, қайроқи «Сангзор-8», «Унумли буғдой», «Безостоя-I», «Интенсивний», «Ёнбош» ва Мексикадан келтирилган «Сето-церрос» навлари ўстирилмоқда. Иқлим ва тупроқ шароитлари тўғри танланган жойларда арпанинг «Зафар», «Айқор», «Циклон» навлари ҳам тажрибадан ўтмоқда.

Ғаллакорларимиз олдида турган вазифалар фақат шулардангина иборат эмас. Ҳали олдинда ҳал қилиниши зарур бўлган бир қатор муаммолар, кечиктириб бўлмас юмушлар турипти.

Лўнда қилиб айтганда ғалладан мўл ва сифатли ҳосил олиш биринчи галда ўзимизга боғлиқ. Шундай экан ҳар бир туман ва хўжаликда юқоридаги ишларни марфмида бажаришга эришиш, дон етиштиришга ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Ана шундагина ғаллачилик соҳасида кўзланган мақсадга эришамиз.

**З. САДРИДДИНОВ,**
**Вилоят деҳқончилик-саноат бирлашмаси ғаллачилик ва уруғчилик бўлимининг бошлиғи.**



*Тажрибакорларнинг таклиф ва мулоҳазалари*

## ҚАНДАЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ КЕРАК?

***Ғалла мустақиллиги учун кураш жуда кўп деҳқонлар, ғаллакорларнинг ғайратини ҳаракатга келтирди. Улар яратиб берилган имкониятдан оқилона фойдаланиб, ўз маҳоратларини ишга солиб, ҳар гектар ердан камида 40 центнердан ҳосил олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Лекин айрим ҳолларда баъзи бир масалалар, муаммоларни ҳал этишда уларнинг қўли калталиқ қилиб қоляпти. Хўш, бу муаммолар нималардан иборат? Биз айрим тажрибакорлар билан ана шу ҳақда мулоқот қилдик.***

### УРУҒЧИЛИККА ЭЪТИБОР

— Бошоқли дон экинларидан кам ҳосил олинаётганлигининг асосий сабабларидан бири шундаки, — дейди **«Ғалла» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори К.Эшмирзаев**, — уруғчилик изчил йўлга қўйилмаганлигидадир. Бунинг оқибатида ишлаб чиқаришга янги навларни жорий этиш кечикиб кетмоқда. Ҳозирги пайтда элита уруғчилиги билан жуда кам хўжаликлар шуғулланади. Улар ҳам баҳорикор минтақаларда жойлашган. Бизнинг фикримизча, уруғчилик ҳақида қонун қабул қилиш вақти келди. Бу қонун ҳамма жабҳаларда уруғчиликни давлат ўз назоратига олишни таъминлаши керак. Шунингдек, суғориладиган майдонларда элита уруғчилиги билан шуғулланишга ихтисослашган хўжаликларни ташкил қилиш ҳам давр тақозоси, деб ўйлайман. Бундай хўжаликлар ғаллачилик билан шуғулланадиган хўжаликларни уруғга бўлган эҳтиёжини таъмин этиши керак. Уруғчилик тизимини йўлга қўйиш ўз навбатида бошқа бир масалани ҳам ҳал этишни кўндаланг қилиб қўяди. Замонавий ғалла ўрадиган, уруғликни тозалайдиган техника, ускуна, жиҳозлар керак. Уруғлик сақланадиган омборхоналар керак.

Бугунги кунда ғалла етиштиришнинг энг янги замонавий прогрессив технологиясини жорий этиш билангина мақсадга эришиш мумкин. Бу соҳада бизнинг бирлашмамизда қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда.

### МАШИНАСОЗЛАР, ЁРДАМИНГИЗ ЗАРУР

— ХЎЖАЛИГИМИЗ мана икки йилдирки, ғаллачилик билан ҳам шуғуланмоқда, — дейди Зангиота туманидаги **«Бўзсув» жамоа хўжалиги бош муҳандиси Нақиббек БАРЛИБОЕВ,** — Бу йил 100 гектар майдонда ғалла етиштиргандик. Ўримга тушилган майдонлардан 50 центнерга етказиб ҳосил йиғиб олдик. Лекин техникалар етишмаслиги, борларининг эскириб қолганлиги туфайли ўрим 35-40 кунга чўзилиб кетди. Ҳосилнинг бир қисми чатнаб, тўкилиб нобуд бўлди. Ҳосилдорлик анча камайди.

Демоқчиманки, ғаллачиликни зарур техникалар билан тўла-тўкис таъмин этмасдан туриб, мўлжалдаги ҳосилни олиш анча мушкил ишдир. Чунки, йил сайин ғалла майдонлари кенгаяди. Ўз вақтида тез ва соз экиб олиш учун баъзан сеялкалар ҳам етишмайди. Борлари ўз умрини ўтаб бўлган, янгиларини ҳозирги нархнавода сотиб олиш учун ҳар кимнинг ҳам қурби етмайди. Шунинг учун бор техникаларни асраб-авайлаб ишлатишга ҳаракат қилмоқдамиз. Лекин эскини тузатгунча эсинг кетади, деганларидек, қачонгача қийналишимиз керак. Нима учун бизнинг машинасозларимиз ёрдамга келмайдилар. Улар асосан пахтакорларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашганлигини биламиз. Савол туғилади: энди давр ўзгарди-ку, нима учун улар ўз иш услубларини ўзгартирмайдилар? Нега бу заводлар ғаллачиликда керак бўладиган сеялкалар учун лоақал айрим эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариши мумкин эмас? Бундай эҳтиёт қисмлар уруғлик ғаллани тозалайдиган, ўрадиган машиналарга ҳам керак. Шунинг учун биз машинасозларга мурожаат қилиб, ғаллакорларга ҳам қайишинг, қўллаб-қувватланг, деймиз. «Узмашпром» уюшмаси, «Сельхозснабремонт» билан биргаликда жойларда сервис хизмати кўрсатиш вазифасини бажарса бўлмайдими? Уларнинг саъи-ҳаракати туфайли таъмирлаш отрядлари тузилса ва улар бевосита ўрим-йиғим олдидан ва ўрим-йиғим пайтида ғаллазорларга чиқиб хизмат кўрсатса қандай яхши иш бўларди. Машинасозлар бизнинг бу таклиф ва мулоҳазаларимизни, албатта инобатга оладилар, деб умид қиламиз.

### ИЛОЖИ БОР

ҲАР қандай экиндан мўлжалдаги ва мўлжалдан ҳам ошириб ҳосил олишда минерал ўғитларнинг аҳамияти катталигини яхши биламиз. Айрим пайтларда деҳқонлар, хўжаликларнинг иши билан танишганимизда, ҳисоботларни кўздан кечирганда гектарига бунчадан фосфор, бунчадан азот солинди, деган рақамларни учратамиз. Афсуски, кўп ҳолларда булар қоғоздагина бўлиб чиқади. Ғалллачилик кенг ривожланётган ҳозирги пайтда бундай кўзбўямачиликка йўл қўйиш ўзини ўзи алдаш ҳисобланади.

— Чунки, — дейди **Бўка туманидаги «Ачамайли» жамоа хўжалиги деҳқон фермери Абдурашид Абдураҳмонов,** — ғаллага ўз вақтида нормадаги ўғитни бермасангиз меҳнатингизнинг бир қисми зое кетади. Бу экинга азот ва фосфор ҳамда калий сув билан ҳаводек зарур. Улар бизда топиладими, етарлими? Минг шукрки, азот ва фосфор ўз заводларимизда ишлаб чиқарилади, уларни вақтида олиб келиб ишлатиш мумкин. Лекин калий ўғити бизда йўқ. У четдан олиб келинади. Баҳоси қиммат, йўл харажатлари дегандек. Шу туфайли уни вақтида олиб келолмай қолишимиз мумкин. Хўш, унда нима қилиш керак. Қандай иложи бор? Бу анча мураккаб масала. Лекин чораси топилмайдиган иш йўқ. Вазиятдан келиб чиқиб иложини қилиш мумкин. Маҳаллий ўғит минерал ўғитлар билан аралаштириб солинса, тажрибадан маълумки, калийнинг ўрнини тўлдиради. Ўйлайманки, ғаллакор деҳқонларимиз учун бу янгилик эмас, лекин унга, албатта, амал қилиниши зарур.

